| 1-«Строймеханизация» трести                                                 | 118                                    |
| «Ташобелтрасспектстрой» трести                                              | 107                                    |
| 16-қурилиш трести                                                           | 80                                     |
| Колхозлараро пудратчи қурилиш ташкилотлар бажарган иш ҳажми 5 процент ошди. | 101                                    |

## 5. ХАЛҚ МОДИИ ФАВОНИЛИГИ ВА МАДАНИИ САВИЯСИНИНГ ОШИШИ

Беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида област халқ хўжалигига банд бўлган ишчи ва хизматчилар сони 16 процент ортиди. 1969 йилда эса 1968 йилдагига қараганда тўрт процент кўпайди ва 930 мингдан ортиқ кишини ташкил этди. Ишчи ва хизматчилар сони халқ хўжалигининг барча тармоқларида ошди.

1969 йилда меҳнатқилларнинг моддий фаровонлигини оширишга қаратилган қатор чоралар қурилди. Меҳнатига ўртача ҳақ олувчи категориядаги ходимларнинг маошини ошириш давом этди.

Област халқ хўжалигидеги ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи халқ хўжалигининг барча тармоқларида 1965 йилдагига қараганда 18 процент ортиди.

## ТОШКЕНТ ОБЛАСТ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

Аҳолининг пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, текий медицина ёрдами, болаларини мактабсиз тарбия муассасаларига бериш, текий ўқиш ва шу қабилар таранда иқтисодий истеъмол фондларидан олган ёрдамлари ва натижалари ошди.

Меҳнатқилларнинг реал даромадлари ошганлиги муносабати билан аҳолининг омонат кассаларига қўйган омонатлари ўтган йилда 57 миллион сўмлик ёки 20 процент кўпайди.

Омонатлар сони 630 мингтага етди. Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти умумий омақтларини корхоналарининг обороти ҳам шу ҳисобга қиради. 1969 йилда 1563,7 миллион сўмини ташкил этди ва бир йил мобайнида солиштирма нархларда 5 процент, шу жумладан област матлубот жамияти системасида 9 процент ортиди. Беш йилликнинг ўтган тўрт йили ичида чакана товар обороти ҳажми 40,7 процент ортиди.

Товар оборотининг ўртача йиллик ўсиш суръати 8,9 процентни ташкил этди. 1969 йилда аҳолига сўт маҳсулотлари, туҳум маҳсулотлари, ёғлар, ширинликлар, янги-йиллар, трикотаж буюмлари, маданий-маънавий ва уй-ғўргов товарлари 1968 йилдагига қараганда анча кўп сотилди. Айни вақтда аҳолининг қатор товарларга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилмади. Товар обороти йиллик плани бажарилмай қолди.

Тошкент области ва шаҳарида уй-жой қурилиши янада ривожланди. Давлат, колхозлар ва аҳоли маблағлари ҳисобига шаҳарлар ва қишлоқ жойларида умумий (фойдалани) майдони 1085 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди.

Давлат ва колхозлар маблағи ҳисобига янги мактаблар, мактабгача тарбия ёишдаги болалар муассасалари, касалхоналар, поликлиникалар ва бошқа маданий-маънавий хизмат объектлари қурилди.

Коммунал хўжалик объектлари қурилишида анчагина маблағ ўзлаштирилди.

Айни вақтда уй-жой, болалар ва медицина муассасалари меҳнатқилларга коммунал ва маънавий хизмат кўрсатувчи объектлар қурилиш планини бажарилмай қолди.

Тошкент шаҳрини, шунингдек областнинг шаҳарлар, район марказлари ва шаҳар посёлкаларини реконструкция қилиш ва ободонлаштириш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Ўн шаҳар, ўн иккита шаҳар посёлкалари ва қишлоқ жойларида 222 та аҳоли пунктлари аҳолиси газдан баҳраманд бўлмоқда. Ўтган йили 33,6 минг квартира газлаштирилди.

1969 йилда маънавий хизмат кўрсатиш янада ривожланди. Аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш ҳажми 1968 йилдагига қараганда 17 процент, шу жумладан қишлоқ жойларида 55 процент ортиди.

Беш йилликнинг ўтган йилларида хизмат кўрсатиш ҳажми 1965 йилдагига қараганда 2,1 баравар, шу жумладан қишлоқ жойларида тўрт баравар ошди. Аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш корхоналари тармоғи 629 ўрин, шу жумладан қишлоқ жойларида 118 ўринга кўпайди.

Замонавий техника билан ускуналанган маънавий хизмат кўрсатиш комбинатлари қурилди, аҳолига хизмат кўрсатиш турлари кўпайди. Лекин, аҳолига хизмат кўрсатиш корхоналари ичида ҳали катта камчиликлар ҳам мавжуд. Хизмат кўрсатиш ҳажми, айниқса, қишлоқ жойларида етарли эмас, хизмат кўрсатишнинг сифати ва ишининг бажарилиши мўддатлари аҳоли талабини ҳар доим ҳам қондирмайди.

Халқ маорифи, фан ва маданиятни ривожлантиришда ҳам янги ютуқлар қўлга киритилди.

Ўтувнинг турли хилларида жалб қилинганлар сони 851 мингта яқин кишини ташкил этди, бундан барча хил умумий таълим мактабларида 662 мингдан ортиқ киши таълим олди. Ўтувнинг ҳамма турларига жалб қилинган кишиларнинг умумий сони 1965 йилдагига қараганда 128 минг кишига кўпайди.

Кечки ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларида ҳамда кўптар мактабларида эндиликда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 42 мингта яқин киши ўқимокда. Бу 1968 йилдагига қараганда 3 минг кишига кўпайди. Мактаб-интернатларда ҳамма кун ўзатирилган группаларда 85 минг бола ёки аввалги ўқув йилдагига қараганда 10 минг кўп бола таълим олди.

1969 йилда 34 минг йилит ва қиз ўрта мактабларини ту-гатди, шулардан 7 минг киши ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кечки мактабларда ўрта маълумот олди. Тулиқсиз ўрта маълумот олган ўқувчилар сони 52 минг кишини ташкил этди.

1969 йилда доимий болалар богчалари ва яслиларида 129 мингта яқин бола тарбияланди. 120 мингта яқин болалар ва ўсмирлар ёз давомида пионер ва мактаб лагерларида, болалар санаторийларида дам олдилар ёки болалар муассасалари билан бирга табиятнинг хушманзара жойларида хордиқ чиқардилар.

Олий ўқув юртиларида 135 мингта яқин студент, шу жумладан кечки ва сиртки бўлимларда 72 мингдан ортиқ студент таълим олмоқда. 1965 йилдагига қараганда студентларнинг умумий сони 38 минг кишига ортиди. Техникумлар ва бошқа махсус ўрта ўқув юртиларида 53 мингдан ортиқ киши таълим олмоқда. Бу йил 23 минг ўқувчи ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда билишнинг оширипти.

1969 йилда олий ўқув юртиларига 24 мингдан ортиқ киши, техникумлар ва бошқа ўрта махсус ўқув юрти-га 17 минг киши қабул қилинди.

1969 йилда 13 мингдан ортиқ ёки 1965 йилдагига қараганда 2 минг кўп киши олий ўқув юртиларини ту-гатди.

Беш мингта яқин киши ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий маълумотли бўлди. Техникумлар ва бошқа ўрта махсус ўқув юртиларини




## ҚУЛАЙЛИК ТУЎДИРИЛДИ

Янгиўла районидagi Чиноз алоқа бўлими коллективи Пахта посёбасида 300 номерга хизмат қилувчи янги автомат станцияни фойдаланишга тошдириди.

Коммутатор ўринини ана шу станция эгаллаши билан фақат пахтачиларнинггина эмас, балки райондаги «Москва», «Ленинград», Киров ва Навоий номли колхоз аъзоларига ҳам анча қулайлик туғдирилди.

Станцияни монтаж қилиш ва янги линия тармоқларини ўрнатишда алоқачи техник ва монтажлардан Юсуф Ниёзметов, Григорий Зеленскийлар ҳамкасбларига ўрнатиб йиғилдилар. Уларнинг ҳар бири 25—30 километр масофага узатиш симларини тортиди.



## КОМСОМОЛ-ЕШЛАР МУСОБАҚАСИ

Ўтган дам олиш кунини «Чингиз» спорт бағишида Тошкент области комсомоллари активистларининг чанги бўйича шахсий команда мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақаларда Бўстонлик, Киров, Куйбисhev ва Ҳамза районларининг 50 дан ортиқ ёшлари иштирок этдилар.

Икки километр масофага ўтказилган аёллар мусобақасида Киров райони вакили В. Усачева маррага биринчи бўлиб етиб келди. Иккинчи ўринни Л. Певнева (Киров райони), учинчи ўринни эса А. Авраменко (Ҳамза райони) эгаллашдилар.

Эркеклар мусобақаси ҳам қизиқарли ўтди. Икки ярим километрга ўтказилган биринчиликда А. Колесников ва В. Веховцевлар (иқкалдан Бўстонлик)

райондан) пешқадамлик қилишди. Мусобақа гоҳиллари области физкультура ва спорт комитетининг ёрдамчилари билан тақдирланди.

Умумикоманда мусобақасида биринчи ўринни Бўстонлик райони командаси қўлга киритди. Ҳамза райони командаси билан Куйбисhev райони командаси билан тақдирланди.

Афсуски, қизиқарли ўтган мусобақаларда пойтахт областининг бошқа райони вакиллари иштирок этмади. Ваҳоланки, чанги спорт ҳам Бутуниттифоқ оммавий-мудоваа кўрғи программасига киритилгандир.

Ж. ҒУЛОМОВ.

## ФУТБОЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

**МЕХИКО.** Бўлажак жаҳон чемпиолатининг мезбонлари — Мексика терма командасининг футболчилари тугалланган халқаро турнирда иккинчи ўрин билангина қаноатланишлар холос. Улар ўз мамлакатининг клуб командаси — «Гвадалупа» футболчилари билан учрашиб, ютқизиш қўйишларига оғина қолди. Турнирнинг якуловчи тўртинчи матчи бўлган бу учрашув 2:2 (0:2) ҳисобида тугади. Бир неча марта Югославия чемпиони бўлган Белграднинг «Партизан» спортчилари турнирнинг якуловчи кунда Бразилиянинг «Ботафого» командаси устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозониб турнир ғолиби бўлишди. «Гвадалупа» билан «Спарта» (Прага) командалари учинчи ва тўртинчи ўринларни бўлишиб олдилар.

**ЛИМА.** Жанубий Америка бўйлаб сафарини давом эттираётган Чехословакиядаги Трнава шаҳрининг «Спартак» командаси Перу терма командасининг футболчилари билан учрашди. Бу ўйин 1:1 (0:0) ҳисобида тугади. Бир кундан кейин спартакчилар Боготада (Колумбия) ана шу мамлакат терма командаси билан бўлган учрашувини ҳам худди шундай натижада тугатдилар.

**ЮГОСЛАВИЯ.** Бу ерда бўлажак жаҳон чемпионатида тайёргарлик қўраётган СССР терма командаси яна бир халқаро ўртоқлик учрашувини ўтказди. Совет футболчилари бу сафар Титоградда Черногория футболчилари билан беллашдилар. Матч 1:1 ҳисобида дураниб тугади.

# САНЪАТ ШАЙДОЛАРИ

## Ўзгаллик соҳиб

Тонг отмоқда. Энг аниқ, сержилва наваҳор тонги. Мана, уфда қуёш мўралаб табиат ҳаракатга тушди. Элас-элас эсаётган тонг шабадаси қалбларни қитқилди. Тепаликлар, қир-адрлар сеҳрли тусда. Қуёш ҳарорати елкасига нетмон кўтариб, дала томон ошқабган мана бу йилги қалбни ҳам ҳаяжонга солди, уни тўғи урдирди. Жарангдор, ҳаятбахш қўшиқ янгради. Деҳқон ўғли табиат гўзаллигини, шабадаларни, висол ишқи-ю, наваҳор қалб ҳарорати ҳақида куйларди.

Бу йилги табиат бахш этган, унга янғор овоз берган, унинг бутун қалбини, борлигини, тўғи кўннини қўшиқ билан боғлаган нарсаси — гўзал Фарғонанинг фусунгор табиатидир.

Йиллар ўтди. Деҳқончилик касбини қолдиришга тўғи келди. Қалб даъвати, ёшлик гурури уни каттакан бир олий муқаддас ва мураккаб даргоҳ — совет санъаткорлари даргоҳига олиб кирди. Мана, ўн йилдирки, у икки эътифот қўшиқлар, унинг гоҳ сокин, гоҳ қув-

Уч истеъдод. Бир олим, бир физик, яна бир муаллим. Уларни бirlаштириб турувчи муҳим омили бор: ҳаммалари ҳам санъат ихлосмандлари. Қўйида уларнинг ижодий камолоти ҳақида кичик лавҳаларни ўқисиз.

ноқ овози ҳаммамизга маълум ва манзур. Бу ҳаваскор қўшиқчи бугунга келиб санъатдан завқлана билиш, унда илҳомланиш ва тўғи баҳо бера билш устиди илҳим-тадиқот ишларини олиб борапти. Ҳа, у — ёш олим. Яқинда у «Миллий маданиятлар янгилашуви ва уларнинг ишлари — эстетик эҳтиёжларининг ўсишига таъсири» деган темада диссертация ёқлаб, фалсафа фанлари нандидати деган унвон олди.

Кечатгина дала кезиб, висол ишқига ёниб, муҳаббатни куйлаётган бу йилги бугун олий бир билим юрти — Тошкент Давлат педагогика институтининг тарихий материализм фанидан дарс бермоқда.

У тинмай илҳомланади. Ватан ишқи, фарзандларнинг ота-онасига бўлган садоқати, чин сев-

ги, гўзаллиги тароналари ҳақида янги қўшиқлар ўғғанмоқда, халқ ўртасида санъатнинг аҳамияти ҳақида лекция ва суҳбатлар билан чўқмоқда, шунигини, «Ленин ва санъатимиз раънақи» асарини ёзиш билан банд. Моҳир хонанда, педагог олим, жамоатчи, каттар ва намуҳан Алижон Эркаевнинг ҳаёт лавҳалари ана шулардан иборат.

## Камолот сари

Рубобнинг гоҳ қувноқ, гоҳ нозик овози кимларни ҳаяжонга солмаган, не-не қалбларини ўзига ром қилмаган, дейсиз. У сезир созанда, моҳир қўларда бўлса, бас.

Қобилжон ўзининг ўн йиллик фаолиятини ана шу мўъжиза-

вий музика асбобининг бутун сир асоратларини билиб олишга бахш этди. Унинг рубоби тонг билан туриб кишиларни уйғотади, тун оғушида эса оромга чорлайди. Рубоб навои, унинг жарангдор садоси Белоруссия ўрмонлари узра парвоз этган, москваликларга ёққан, боларилик деҳқонларни мафтун этиб, фин қизларини ром этган.

Ижрочи ҳамон илҳомланади. Фикру-зикри чолғучиликнинг янгида-янги сир-асорини ахтариб топишда. Қобилжон Усмоновнинг ижодий камолоти шундай ният билан яшайди.

## Иккинчи истеъдод

Охунжон ака дутор чертиб, машқ қилиб завқланиб ўтирарди. Қўтилмаганда ташқаридан ашула товуши эшитилиб қолди. У ҳайрон бўлиб ойнадан ҳовлига мўралаб қараса, тўғиқ ўғли қўшиқ айтаётган, қўлидаги таъқани чертиб-чертиб кўйарди. Ўғлининг бу ҳолати отани ҳам қувонтирди, ҳам ташвишга солди. «Майли, ашула айтишни ўрганиб олгани яхши. Фақат ўқиниш қўлаб юрмаса бўлган» ҳаёлидан ўтказди у.

Ўғли ешланиб қатта бўлсам, инженер бўламан, деб ният қилган. Ўрта мактабни тугатгач, Фарғона давлат политехника институтининг физика факультетига ўқишга кириб, ушбу муваффақиятга яқинлашди. Эндида Тошкент шаҳридаги физика-технология институтига аспирантурага ўқишга кириш учун тайёргарлик кўрмоқда.

Бу йилги ёшликда кўнгли қанғатган иккинчи истеъдод — санъат доимо содиқ муҳли бўлиб келмоқда. Соф муҳаббат, вафодорлик, табиат ҳақидаги қўшиқлар репертуарининг асосини ташкил этади. У айниқса «Севги гувоҳи», «Вафо тоғиди», «Қалбим қўлингга қолди» каби қўшиқларни яхши ижро этади.

Ҳаваскор қўшиқчи Солижон Хотамовнинг келажакда инженер-олим ва санъаткор бўлишига ишончимиз комил.

## И. ЮСУПОВ.

Суратда: Қобилжон Усмонов, Алижон Эркаев ва Солижон Хотамовлар.

А. АБАЛАН ФОТОС.

## ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИДА

Ўзбек фотожурналистлари ташкил этилган республика бадий ва ҳужжатли фотография выставкасига «Ленин гоҳлари яшамонда» ва ғалаба қилмоқда» деган иборани тайлаб олдилар. В. И. Ленин тугилган кўннинг 100 йиллигига бағишланган фотобиставка Тошкентдаги «Билмлар уйи»да очилди. Бу масала Ўзбекистон журналистлари Союзи правлениси президиумининг мажлисида кўрилди. Виставкани февраль ойи ичиди очтишга қарор қилинди. Маскур виставкада 50 авторнинг 250 дан ортиқ иши намоиш этилади.

Фашистлар Германияси устидан қозонилган Буюк ғалабанинг 25 йиллигига бағишлаб ҳам республика фотожурналистларининг виставкаси очилди. Президиум бу виставкани апрелда Тошкент округ офицерлар уйида очтиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу йил Ўзбекистон журналистлари Союзи кўпгина қизиқарли ижодий ишларни амалга оширди. Булар семинарлар, матбуот конференциялари, «думалоқ стол атрофида» учрашувлар, турли мунозара ва бошқа йиғилардан иборат. Бу тадбирлар Союз правленисининг президиум мажлисида тасдиқланган календар иш планига киритилган.

Мажлисида, чунончи қиллоқ ҳўжалиги темасида ёзувчи журналистларнинг Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ семинари ва китоб нашриёти редакторларининг республика семинари якунлари кўриб чиқилди. Журналистларнинг катта бир группаси СССР журналистлар Союзига қабул қилинди.

## БИЛДИРИШ

Тошкент ишчи-мухбирлар университетининг тингловчиларининг навбатдаги машғулоти бугун ўтказилди.

## Редактор

А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — ерган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЈА ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 336405, Редактор ўринбосарлари — 835883, 836232, Маъсул секретари — 834808, Пропаганда, адабият ва санъат бўлимлари — 831936, Саноят, транспорт ва қурилиш бўлими — 833786, Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари — 835811, Кишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юрталари бўлимлари — 838050, Совет қурилиши, маънавий хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 837671, Халқаро ва оммавий ишлар бўлими — 834048, Ўзлонлар бўлими — 838142.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмаҳонаси, Тошкент шаҳри,

Г. 1573. ИНДЕКС — 64697 Р — 02220

## Реклама

## Телевидение

Биринчи ПРОГРАММА  
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ  
17.55 — Курсатулар программаси, 18.00 — Телеянгилар (Рус тилида).

Ўзбек тилида: 18.10 — «Юлдузча» (телефильм), 18.40 — Ленин кутубхонаси, 18.55 — Андижон шаҳар маданият уйи бадий ҳаваскорларининг концерти, 19.35 — Телеянгилар.

19.45 — Москва курсатади, ИККИНЧИ ПРОГРАММА  
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ  
17.55 — Курсатулар программаси.

Рус тилида: 18.00 — «Энг бахтиёр болалар ҳақида» (Бадий ҳаваскор болалар концерти), 18.40 — Киноленингома, 19.20 — Конинда фигурални учуш бўйича СССР чемпионати.

Ўзбек тилида: 20.00 — Телефильм, 20.50 — «Замандаш» программаси (қозоқ тилида), 21.50 — «Утмин билан учрашув» (Бадий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА  
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ  
Рус тилида: 20.00 — «Баландлик» (Бадий фильм), 21.30 — «Хайрли кен» (фильм-концерт), 22.20 — «Сталгирд жанги саҳифалари» (Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм, 7-серия).

## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 4/II да Спартак, 5/II да Ойнамол.

ҲАМЗА НОМИЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/II да Олтинчи июль, 5/II да Олтинчи июль.

МУҚИМНИНГ НОМИЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКА ТЕАТРИДА — 4/II да Гавҳари шамчирон, 5/II да Фарҳод ва Ширин.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/II да Вахс, 5/II да Учинчи ороу.

## КИНО

Хавфли гастроллар — «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ДРЖ-ВА», НАВОИЙ НОМИЛИ, «ВОСТОК» (қулуз ва кечқурун), «САНЪАТ САРОНИ» (қулуз ва кечқурун), «САНЪАТ САРОНИ» (қулуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (қулуз ва кечқурун), «Шажат новелласи» — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 30 ЙИЛЛИГИ» (қулуз ва кечқурун).

Боланининг сўнги нечаси — «МОСКВА» (қулуз ва кечқурун), «Утган кунлар» — НАВОИЙ НОМИЛИ (Ўзбек тилида, қулуз ва кечқурун).

Техника бўлими бошлиғи (темир-бетон конструкциялари тайиш чинарши бўйича инженер-технолог, конструкторини босорининг бошлиғи, бўлимида инженерлар, таъинот бўлими бошлиғининг ўринбосари, темир-бетон бўйимлари ва ёғочозилик цехига усталар, омирчилар, усуналарни тазитиш бўйича синарлар, металл ишлаш бўйича тонарлар, арматурачилар, қурадгорлар, станциячилар.

## РАЙОН КИТОБ МАГАЗИНАЛАРИ

13 ФЕВРАЛГА БУЙОҒИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Буйоғималарни ўз вақтида расмийлаштиришнингизни сўраймиз.

## «Ташноопинига».

Техника бўлими бошлиғи (темир-бетон конструкциялари тайиш чинарши бўйича инженер-технолог, конструкторини босорининг бошлиғи, бўлимида инженерлар, таъинот бўлими бошлиғининг ўринбосари, темир-бетон бўйимлари ва ёғочозилик цехига усталар, омирчилар, усуналарни тазитиш бўйича синарлар, металл ишлаш бўйича тонарлар, арматурачилар, қурадгорлар, станциячилар.

## КЕРАК

Мурожаат учун, адрес: Тошкент-5, Кўбисшев шоссеи, 23-35 (5, 7, 12, 22, 26, 35, 102 автобусларнинг «Ўзбун» бекети).

ЛЕНИН РАЙОН ПИЩЕТОРНИГА сотувчилар, нассирлар ҳамда мактаб-магазинга 16—24 ёшли ўқувчилар

## КЕРАК

Ўқувчиларга стипендия тўланади. Мурожаат учун, адрес: Тошкент шаҳар, Привокзальный кўчаси, 32-уй. надрлар бўлими.

«Бизнинг АДРЕС: Тошкент, Памил 808-ТОМ» кўчаси, 26-уй

# Дунё хабарлари

## КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ ПАРИЖГА КЕЛДИ

ПАРИЖ, 2 февраль. (ТАСС). Бутун бу ерга 4 февралда очилган Франция Коммунистик партиясининг XIX съезиди қатнашиш учун Совет Иттифоқи Коммунистик

партиясининг делегацияси келди. Делегацияга КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко бошчилик қилмоқда.

## НИГЕРИЯДАН ЧИҚАРИБ ЮБОРИЛДИ

ПАРИЖ, 2 февраль. (ТАСС). Америка маслаҳатчиси полковник Южян Дьюн ўтган яшланба кунни Нигериядан чиқариб юборилди. Франс Пресс агентлигининг мухбири шу тўғрида Лагосдан хабар беради. Хабарда Дьюннинг мамлакатдан чиқариб юборилиш сабаблари

кўрсатилмаган, аммо Дьюн Нигерияда бўлган вақтида мамлакатнинг шарқий районларига бир неча марта бориб келганлиги таъкидлаб ўтилади. Бу районлар кейинги вақтларгача исёончиларнинг ҳаракат майдон бўлган эди.



Цейлон Коммунистик партиясининг органи «Атта» («Правда») газетаси 50 ёшга тузди. Газета ишчилар, деҳқонлар, студентлар, интеллигенциянинг хўрматини қозониб келмоқда. Суратда: редакция ходими Арнолд Апшумхи «Атта» газетасининг янги соини кўздан кечиримоқда.

В. Шалябин фотос. ТАСС фотохроникаси.

## БАР МИНИСТРЛАР КАБИНЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

ҚОҲИРА, 2 февраль. (ТАСС). Бу ерда Президент Носир раислигида Бирлашган Араб Республикаси Министрлар кабинетининг навбатдаги мажлиси бўлди.

«Ал Ахром» газетаси хабар беради: Бу мажлисда асосий эътибор «Иеронл уруш ҳара-

катларини қучайтириб бораётганлиги сабабли душманга қарши кураш билан боғланган масалаларни қараб чиқишга қаратилди. Кабинет Ҳарбий министр Муҳаммад Фавзий ва Ташқи ишлар министри Махмуд Риадиннинг докладларини тинглади.

## КИРОЛГА ҚАРАШЛИ ЕРЛАР МУСОДАРА ҚИЛИНДИ

ТРИПОЛИ, 2 февраль. (ТАСС). Газеталарнинг хабар беришига қараганда, собиқ қирол ва собиқ Валиахд Шахзодага қарашли барча қишлоқ хўжалик ерлари Ливия Араб

Республикаси революциониян кенгашининг фармойишига биноан, қишлоқ хўжалиги ва ер ислоти миинистрлиги ихтиёрига топширилади.

## «ИНСОНПАРВАРЛИК» НИҚОБИ ОСТИДА ЯНГИ МУСТАМЛАКАЧИЛИК

Шу кунларда Англияда «Нигерия аҳолисини ҳимоя қилайлик» деган компания зўр дабдаба билан ўтказилмоқда. Англия парламенти Нигерияни шу вақтгача ҳам Британиянинг мустамлакаси деб ҳисоблаётгандек шу кунларда Африкадаги мана шу суверен мамлакатдаги аҳолини муҳокама қилмоқда.

Якубу Говон ҳукумати ўз мамлакатининг ички ишларига аралашмиш мақсадида қилаётган ҳар хил уришларга қаттиқ зарба берганлигидан ғазабга келган, фарбдаги газеталарнинг мухбирларидан бир нечаси Нигериядан ҳайдаб чиқарилганлигини кўриб, жонни чиқарган, айниқса Нигерия ҳукумати Англия ва АҚШдаги турли «ҳайри-эхсон» ташкилотларининг Нигерияда бемалол иш олиб боришларига рухсат бермаганлигидан ғазабланган инглиз пропаганда апарати ўз фойдаланиши аъжиб чиқарди. Шу кампаниянинг ўзида фарб давлатлари ўтказибётган янги мустамлакачилик сийсатининг моҳияти, улар бу сийсатни давлат арбоблари ва сийсий арбобларнинг баланд-парвоз гаплари билан ниқоблашга зўр бериб уришаётганликлари ошқ кўриниб турибди.

Оқукуву бошчилигидаги сепаратчиларга қарши Нигериянинг федерал ҳукумати олиб борган курашини Англия расийи равишда қўллаб-қувватлаб турди. Лекин шу билан бир вақтда Англиядаги турли ҳўсусий ташкилотлар Нигериядан ажралиб чиққан «Биафра» республикасига актив ердам беравердилар. Сепаратчиларга Португалия орқали ва унинг Африкадаги мустамлакалари орқали қурул-проглар, озиқ-овқат ва уруш ҳаракатларини олиб бориш учун зарур бўлган бошқа материаллар юборилиб турди.

Халқаро нефть компаниялари ўз мақсадларини амалга оширмоқ учун Нигериядаги қабилалар ўртасидаги зиддиятлардан, Оқукуву сингари шўхратлардан ва манфаатлардан қишлардан фойдаландилар. «Биафра» Нигериядан ажралиб, деб эълон қилиниши биланок Африкада иш олиб бораётган энг катта нефть, молия компаниялари ва бошқа компаниялар Оқукувга пинҳоний, лекин жуда катта ердам беришга киришдилар. Бу ердам эвазига Оқукуву «Биафра»даги ажабий капитал позициясини, биринчи галда нефть қонлари районидаги позициясини мустаҳкамлашга, шу компанияларнинг дахлсизлигини таъминлашга ваъда берди. Шу билан бирга Нигерияни парчалаб, уни зафиллатиш чоралари ҳам кўрилди. Чўнки аҳолисининг қўлини жиқатидан Африкада энг катта мамлакат бўлган Нигерия «қаддан ташқари қўли» ва «қаддан ташқари мустақил» бўлиб қолади, деб фарб давлатлари

қўлдан бери ташвишга тушиб қолган эди.

Нигерия ҳукумати «Биафра»даги бузғунчиларга қарши қаттиқ чоралар кўрганлиги империалистларнинг режаларини бузиб юборди. Қонли граждан уруши натижасида сепаратчилар ниҳоят тор-мор келтирилди. Лекин мустамлакачилар умидларини узганлари йўқ. Қонли урушдан кейин тиккаси қуриган Нигерия катта қийинчиликларни бошидан кечи-раётган ҳозирги пайтда, улар «инсонпарварлик» ва «одамгарчилик» қилиш кераклигини тўсат-тиш қўйиб қолдилар. Англиядаги газеталарнинг саҳифаларига қарасангиз «Нигерияликлар ҳалок бўлаёттир — биз уларни кутқариш-шимиз керак», «Англия ва АҚШ Нигерияга ердам беришга шўшилмоқда», «Йўлларни, кўприкларни ва аэродромларни қайта тиклаш учун Англия ҳарбий му-тахассислар юборишга тайёр», «Англия самолётлари озиқ-овқат ва дори-дармонлар етказиб беришга шайланиб турибди» деган сарлавҳаларни кўп учратасиз.

Нигерияликларнинг меҳнатини ва мамлакатининг миллий бой-лиқларини актив равишда эксплуатация қилиши давом эттирмоқ учун «ердам», «Инсонпарварлик» ва «Одамгарчилик» деган шўрлардан ниқоб тариқасида фойдаланишмоқдалар. Савдо-саноят доираларининг органи бўлган «Файн-эшил таимс» газетасида босилган хабарда айтилишича, «Ўрта ер-бий ва шарқий Нигерияда» Шелл ва «Бритиш петролеум» компа-ниялари нефть казиб чиқаришни

жуда кўпайтирди, маскур район-ларда яқин фурсатларда кунига 600 минг баррель нефть казиб олинадиган бўлади.

Нигерия ўзига етказилган жа-роҳатларни эндигина тўзата бош-лади. Аммо империалистларнинг нефть компаниялари бу мамла-кат нефтини қон сўргандек сў-риб олмақдалар бу нефтдан ке-ладиган фойда жуда катта, чўнки Яқин Шарқдаги кескинлик, Сувайш канални бекилиб қолган-лиги сабабли Нигерия нефти Анг-лия ва бутун Гарбий Европа учун энг катта ва энг яқин хом ашё ва ёқилғи манбаларидан бири бў-либ қолди.

Янги мустамлакачилар қилаёт-ган «инсонпарварликнинг» саба-би ва улар «бегараз ердам» бе-ришга тайёриш, деб қилаётган ваъдаларининг боиси ҳам ма-на шу. Бундай сийсат Нигерия бошига яна! кўп мушкулликлар, эҳтиомлик, катта қушфатлар ҳам келтириши мўмкин. Чўнки Англия Нигериядаги нефть қонларигаги-на эмас, шу билан бирга қакоа, чой, қакоа, қаукуч еттиштиришга ҳам сарфлаган капиталидан кат-та-катта фойда олмақда.

Бироқ шу нарсаси шўх-шўбасиз-чи, Нигерия халқи жиддий ҳавф бўлган сепаратизмни енгиб, бош-қа ҳавф-хатарларни ҳам ўзининг чинакам дўстлари ердами билан енга олади ва ўзининг мамлака-тининг чинакам мустақил, қудратли мамлакатга айлантира олади.

Н. ТУРКАТЕНКО (ТАСС мухбири)